**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**67-СТИДМИ раҳбари -комиссия раиси Б.Саломова**

**“ 02 ” 12 2022 йил**

**Бажарувчиташкилотнитанлаболишучун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

**Денов – 2022 йил**

**Танловхужжатларинингмазмуни:**

**I. Танловиштирокчилариучунйурикнома.**

**II. Техник кисм.**

**III. Нархлар қисми**

## I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.

1. **Танлов предмети:“67-СТИДМИ” замонавий компютер оргтехника** эҳтиёжи учун етказиб бериш.

1.2. Танлов қиймати **400 000 000**сўм. Ушбу қийматдан ортиққийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Маҳсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмида келтирилган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4 **Ишларнибажаришмуддати:**шартномаимзолангankунданбошлаб 15 кун.

1.5 Маҳсулотниолибкелишмуддати- аванс маблағи ўтказилганкунданбошлабҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 **“67-СТИДМИ”** (бундан кейин ”Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Денов туман, Чағониён МФЙ Бунёдкор кучаси, 56-уй. Э.Адрес:

2.2. Танлов “Буюрмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов **“67-СТИДМИ”** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

- Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқати ва ваколатлар;

- Танловобъектигаўхшашобъектлардаишлаштажрибасинингмавжудлиги;

- Ўз кучларибиланилгарибажарилганишхажмлари тўғрисидагимаълумотлар;

Танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 % фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағлар миқдори.

Молиявий натижалар;

Ишчи ходимларнинг иш стажи ва махсус лицензияга эга эканлиги

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бопқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчиларўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловларўтказишучунжойлаштирилишилозим.

4.2 Танловучунтаклифларваунгатегишлииловаларвахужжатлар, маълумотлар“Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёригакўраўзбекёки рус тилида тақдимэтилишимумкин.

4.3 Қуйидагихужжатлар тўлиқ бўлиши талабэтилади:

**Техникванархлар бўйичақўйидагитаклифлар:**

* Техник хужжатларрўйхати (брошюралар, техник паспорларёкиўхшаш хужжатлар рўйхатииловақилинади);

* Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсатгичлар кўрсатилган бўлиши керак;.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларини яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.5. Танловиштирокчиси:

-фақатбиттатаклифберишимумкин;

- тақдимэтилаётганхужжатларнингхуқуқийлиги вамаълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқжавобгар бўлади;

-таклифларберишмуддатитугагунгақадарўз таклифлариниқайтариболишёкиўзгартиришкиритишхуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ.

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириш мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. Бошқа шартлар

7.1 . Давлат буюрмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эьлонда кўрсатилган ахборот узайтирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эьлонга ўзгатишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эьлонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кунига давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига

тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига хақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

**Замонавий Компьютер ва оргтехника жихозлари руйхати .**

| № | Товар номи | Бирлиги | Сони | Товар нархи | СУММАСИ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Электрон доска | дона | 10 | 34 500 000 | 345 000 000 |
| 2 | Синф компыютер | дона | 10 | 5 000 000 | 50 000 000 |
| 3 | Камера | дона | 8 | 625 000 | 5 000 000 |
| **ЖАМИ** | | **400 000 000,00** | | | |

**Директор:** **Б.Саломова**

"Тасдиқлайман"

Денов 67-СТИДМИ
директор ____________ Б.Саломова
2022 йил 2 декабр

Денов 67-СТИДМИ замонавий компютер оргтехникалар учун

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ
# УМУМИЙ ҚИСМ
# ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ

## 1 Умумий ҳолат

**1.1** Ушбу танлов хужжатлари "Давлат харидлари туғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276 сонли қарори бўйича ишлаб чиқилган

**1.2** Танлов Мавзуси: **Денов 67-СТИДМИзамонавий компютер оргтехникалар учун**

**1.3** Танлов қиймати 400 000 000 (турт юз миллион ) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**1.4** Танлов таклифида кўрсатилган нархлар чегара қийматидан ошмаслиги керак.

**1.5** Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

**1.6** Танлов комиссияси йиғилишининг шакллари – онлайн

## 2 Танлов ташкилотчилари.

**2.1** Буюртмачининг номи - **Денов67-СТИДМИ** (бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади.

**2.2** Комиссиянинг ишчи органи танлов комиссияси (бундан кейин – "комиссия ")

**2.4** Танлов камида беш аъзодан иборат буюртмачи томонидан тузилган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

## 3 Танлов иштирокчилари

**3.1** Мулкчилик шаклидан қатъий назар хар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок мумкин.

**3.2** Бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно

## 4 Танловни ўтказиш тартиби.

**4.1** Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси

А) танлов шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларнинг электрон версиясини олиш (юклаб олиш)

**Б)** танлов ҳужжатлари талаблари талабларига мувофиқ тендер таклифини тақдим этиш,

**4.2** Иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари таъқиқланади қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлиш, “Буюртмачи билан суд ёки арбитраж холатида бўлиш, ягона реэстрда виждонсиз ижрочилар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий операциялари (оффшоре зоналар) амалга оширишда маълумотини ошкор қилишда ва тақдим этишни назарда тутмайдиган штатларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлганлар.

**4.3** Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсни ёки ходимини ёки бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш хаққи иш таклифи бошқа хар қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларини таклиф қилиш, бериш ёки беришга рози ўлиш давлат харидлари жараёнида буюртмачининг хар қандай харакатларининг амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаш. Иштирокчи қонунни бузган холда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга

## 5 Танлов тили, ўлчов бирлиги.

**5.1** Танлов таклифи ва иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар а ҳужжатлар ўзбек тилида бўлиш керак. Танлов таклифи ўзбек тилига аниқ илова қилинган холда бўлиши керак. Танлов таклифида метрик ўлчов тизимидан фойдаланиш керак.

## 6 Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби.

**6.1** Порталда эълон қилинган танлов иштирокчилари танлов эълонида кўрсатилган манзил бўйича элонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

**6.2** Рақоатчи тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир.

**6.3** Тендер таклифи икки қисмдн иборат

Нарх қисми танлов шартларига мос келиши ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиш керак

Махсулот номи, хизматларнинг қиймати, умумий миқдори, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва бошқалар

**6.4** Шунинг дек, иштирокчи ташқи мухитда (СД, флеш-хотира ва бошқалар) 1 та таклифн, шу жумладан барча танлов хужжатларини тайёрлаши керак, улар сканерлаштирилган шаклда тақдим этилиши керак, рахбарнинг имзоси ба мухри билан тасдиқланган бўлиши керак

**6.5** Тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилади

**6.6** Техник таклиф қуйидаги хужжатларни ўз ичига олиши керак техник хужжатлар рўйхати (техник маълумотлар варақалари, фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар ёки тақдим этилаётган хизматларнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа хужжатлар

**6.7**Ушбу танловга илова қилинган нарх таклифининг мажбурий хужжатлари мавжутлигига қўйиладиган талаблар 6.8 Комиссия фақат ушбу юриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир

**7 Таклифлар бўйича танлов тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари**

**7.1** Эълонда танлов ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган танлов таклифларини бахолаш бўйича танлов комиссияси.

**7.2** Таклифларни кўриб чиқишда барча хужжатларнинг мавжутлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли хужжатлар бўлмаган тақдирда танлов комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва бахолаш учун рад этишга хақлидир.

**7.3** Танлов комиссияси танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов хужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб бахолайди.

**7.4** Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатларда мавжуд бўлган мъалумотлар аниқланган тақдирда, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда қатнашишдан четлаштиришга хақлидир.

**7.5** Таклиф Қонун, меъёрий хужжатлар ва танлов хужжатлари талабларига мос равишда бўлишлари мумкин, белгиланган тартибда ишлашлари мумкин.

**7.6** Танлов комиссияси агар уни тақдим этган танлов иштирокчиси Қонунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлов иштирокчиларнинг таклифи бўйича танлов хужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.

**7.7** Тижорат таклифларини бахолаш жараёнида танлов комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгиланган тартибда расмий равишда, ёзма равишда, танлов ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг мохиятида, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

**7.8** Танлов хужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган тендир иштирокчиси ғолиб хисобланади

**8 Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги махвийли.**

**8.1** Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга тегишли кирувчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хафсизлиги ва маҳвийлигини таъминлайдиган комиссия аъзолари комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишни гуруҳ аъзолари, маълумотларни ошкор қилиш иштирокчилар, комиссиясининг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга рухсад берис, шунингдек бошқа ноқонуний харакатлар учун Шартнома бўйича мажбутиятларни бажармаган ( миқдорий, сифай ва техник кўрсатгичлар бўйича ) танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

67-СТИДМИ раҳбари -комиссия раиси Б.Саломова
“02” 92 2022 йил

# ТЕХНИК ВАЗИФА ВА ШАРТЛАР

## Денов туман 67-СТИДМИни замонавий компютер оргтехника билан таъминлаш бўйича

## КОНКУРСЛАРНИНГ МАЪЛУМОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлов (конкурс)мавзуларига оид аниқ қоидаларни ва танлов хужжатларининг бошқа бўлимларида келтирилган маълумотлардан ёки талабларини ўз ичига олади

| № | Бўлим номи | Бўлимлар учун тушинтиришлар |
|---|---|---|
| 1 | Буюртмачи | **Денов туман 67-СТИДМИ** |
| 2 | Танлов мавзуси ёки номи | **Денов туман 67-СТИДМИни замонавий компютер оргтехника билан таъминлаш бўйича** |
| 3 | Конкурс тартиб рақами | №8 |
| 4 | Буюртмачи манзили | Ўзбекистон РеспубликасиСурхондарё вилояти Денов туман, Чағониён МФЙ Бунёдкор кучаси, 56-уй. |
| 5 | Алоқа учун шахс | **Денов туман 67-СТИДМИ +998977525585** |
| 6 | Танлов эълони эълон қилинган жой | Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси https://etender.uzex.uz/ |
| 7 | Иштирокчилар танловда иштирок этишларига рухсат этилади | Юридик шахслар бирлашмалари (консорциумов) танловда иштирок этишга йўл қўйилмайди. |
| 8 | Товар (иш, хизматларнинг) нархи | 400 000 000 UZS ( турт юз милион) сум. |
| 9 | Танлов ўтказиладиган жой манзили: | Ўзбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятиДенов туман, Чағониён МФЙ Бунёдкор кучаси, 56-уй. |
| 10 | Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар: | -Танлов иштирокчилари юридик шахс сифатида давлат реестридан руйхатдан ўтган бўлиши шарт.<br>-Шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуқга эга булиш шарт<br>-Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги:<br>-Уларга нисбатан банкротлик таомили буйича маълумотлар<br>-Нохалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар хақида қайднинг мавжуд эмаслиги.<br>-Иштирокчилар ишларни, товарларни бажариш (хизмат кўрсатиш) учун зарур мутахассислар ва ресурсларга, касбий ва техник малакага, шу каби объектлар хужжатларнинг дастурий |

| | | |
|---|---|---|
| | | таъминотини ишлаб чиқиш бўйича тажриба ва кўникмага, шартномани тузиш пайтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак.<br><br>-Техник вазифада келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши шарт.<br><br>-товарлар шартномада келтирилган вақтдан кечиктирмаган сифатли холатда буюртмачига етказиб берилиши шарт.<br><br>- Махсулотга расмий ишлаб чикарувчининг сертификати мавжудлиги.<br><br>- Махсулотнинг техник параметрлари ва ишлаб чиқарувчиси курсатилиши керак.<br><br>- Танлов иштирокчисининг омборида махсулот мавжудлиги.<br><br>-Танлов иштирокчисининг моддий таъминланганлиги (Танловнинг бошланғич суммасининг камида 30% маблағига эга бўлиши) ва йиллик маблағ айланмаси.<br><br>-Танлов иштирокчиси томонидан махсулотларга кафолат бериш ва унинг муддати. |
| 11 | Танлов бериш муддати тугайдиган сана ва вақт: | Эълон жойлаштирилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида ва 2 кун мухокамада туриши шарт |
| 12 | Танлов вазифаларини расмийлаштиришга доир талаблар: | -Танлов таклифларини расмийлаштиришда танлов иштирокчиси ўз таклифини мухрланган тўлиқ илова қилиши шарт<br><br>-Берилган таклифда товар, иш ва хизматларга доир барча маълумотлар акс эттирилган бўлиши шарт.<br><br>-Умумлаштирилган суммалар инобатга олинмайди. |
| 13 | Шартнома бахосини ва ижрочилар билан хисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта хамда тулов тартиби ҳақидаги ахборот: | -Шартнома бахоси ва ижрочи билан хисоб-китоб Ўзбекистон Республикаси Миллий валютаси сўмда амалга оширилади.<br><br>-Ижрочи шартнома 2 томонлама имзоланиб олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 30 кунда товар (иш хизмат)ларни топшириши керак. (топшириш банк иш куни)<br>Тулов тартиби:<br><br>**Олдиндан аванс (бўнак) 30% тўлов амалга оширилади.**<br><br>**Товар (иш хизмат)лар тўлиқ хажмда бажарилгандан сўнг 70% тўлов амалга оширилади.** |
| 14 | Танловда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тайёрланиши кераклиги | Ўзбек тили (кирилл ёзуви) |
| 15 | Тендер таклифларини қабул қилиш | Таклифлар сайтда эълон қилинган кундан бошлаб электрон тарзда қабул қилинади. |
| 16 | Молиялаштириш манбаи: | https://openbudget.uz/ порталида таклиф этилган ташаббуслар ичидан ғолиб деб топилган ID 1170600078 2022-2ПК-409 учун Халқ депутатлари Денов туман кенгашининг 07.10.2022 йилдаги №VI-65-140-8-111-К/22 сонли фармойиши орқали ажратилган маблағ хисобидан |